

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 6-iyul, Payshanba

№ 28 (9244)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

➤ **Қарор ва ижро**

СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Таҳлилий маълумотлар жорий йил вегетация даврида сув ресурслари ҳажми кўп йиллик меъёрга нисбатан Сирдарё ҳавзасида ўн-ўн беш фоизга, Амударё ҳавзасида йигирма фоизгача кам бўлишини кўрсатмоқда.

Бу рақамлар, аввало, аграр соҳада сув тежовчи технологиялардан унумли фойдаланишга эътибор қаратиш долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади. Шу ўринда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Тегишли чора-тадбирлар эса натижасини кўрсатмоқда. Хусусан, сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган майдонлар кенгаймоқда. Бу суғориладиган ерларнинг қарийб 25 фоизини ташкил қилмоқда. Бунинг ҳисобига ўтган йил 3 миллиард куб метр сув иқтисод қилинди. Тежалган оби-ҳаёт эса 830 минг гектар тақририй экин майдонларини суғоришга ишлатилди.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан барқарор таъминлашда нималарга аҳамият қаратиш кераклигини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.



Қарор ижроси доирасида Қорақалпоғистонда – мамлакатимизнинг сув танқислиги бўйича муаммоли ҳудудларидан бирида амалга оширилаётган ишларга қисқача тўхталамиз.

Бу заминда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда суғоришнинг бир қатор тежамкор усулларидан фойда-

ланиш кенг йўлга қўйилган. Хусусан, ёмғирлатиб ёки томчилатиб суғоришга эътибор ортмоқда. Шунингдек, ерни лазерли ускуна ёрдамида текислаган ҳолда дискретли суғориш усули ҳам амалиётга татбиқ этилмоқда.

Аниқ рақамларни келтираемиз. Қорақалпоғистонда ўтган йили аграр соҳада томчилатиб суғориш ускуналаридан самарали фойдаланилгани натижасида 176 миллион куб метрдан ортиқ сув тежалган. Қарор билан жорий йилда ҳам тармоқда бу йўналишга эътибор янги босқичга кўтарилаётир. Хусусан, 20 минг 220 гектардан ортиқ майдонда сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилган. Шундан 17 минг 649 гектарда томчилатиб, 1 минг 575 гектарда ёмғирлатиб, 1 минг гектарда дискретли суғориш усулидан фойдаланилади. Бу ҳудуддаги жами экин майдонларининг ўртача 45 фоизини ташкил этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аграр соҳадаги бу ислохотлар нафақат сув тежамкорлигига эришишда балки ҳосилдорлик ошишига ҳам сабаб бўлмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

➤ **Кадастр тизими**

ЕРНИНГ ХўЖАТИ – ЭГАЛИК КАФОЛАТИ

Ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш устувор йўналишлар жумласидандир.

Айнан шу мақсадда Президентимиз томонидан 2021 йил 8 июнда имзоланган “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида Наманган вилояти кадастр тизимида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

➤ **НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**

ТОМОРҚАСНИ ХАЗИНАГА АЙЛАНТИРАЁТГАНЛАР

Мамлакатимизда томорқа оила учун ризқ-рўз, қўшимча даромад манбаи эканлигини кўпчилик яхши билади.

Гулчеҳра Аслонова Навоий вилояти Хатирчи тумани “Жалойир” маҳалласида яшайди. У ер тилини, қишлоқ хўжалиги илмини яхши билади. Шунинг учун бўлса керак, ўз томорқасини хазинага айлантирган.

(Давоми 2-саҳифада)

ОТАНГГА РАҲМАТ, АБДУСАТТОР!

➤ **НАМАНГАН ВИЛОЯТИ**

Норин туманининг Хўжақўрғонча маҳалласида яшовчи Абдусаттор Оқйўлов бу йил 64 ёшни қаршилади. У ўтган умри давомида ҳаётнинг унқир-чўнқирларида тобланди. Баъзан ёшлик қилиб адашди. Тушуниб етдики, меҳнат қилган кам бўлмайди. Эл-юртга, маҳалла-қўйга хизмат қилган ҳурмат, барака топади.

Ўтган йили ҳовлиси этагидаги 5,2 гектар дала кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 52 нафар фуқарога бўлиб берилди. У ерга ким нима экин турини хоҳласа, ўшани экди. Натижада, экинлар парваришида қийинчиликлар кузатилди. Айниқса, суғоришда



Суратда: Абдусаттор ОҚЙЎЛОВ

тортишувлар кўзга ташланди. Шунда, маҳалладошларига кейинги гал бир хил экин уруғи қадашни, рози бўлишса, дала-нинг оби-тобига қараб сувини ҳам қўйиб бериши мумкинлигини

айтди. Таклиф барчага маъқул келди. 5,2 гектарга эрта баҳорда кунгабоқар уруғи экилди. Абдусаттор кетмонини елкага олиб эгат оралади. Бирор қарич ер ҳам обихаётга қонмай қолишига

йўл қўйилмади. Маҳалладошлари эса ишнинг сифатига қараб уни рози қилди. Натижада, кенг далада тўлиқ қарталар ҳосил қилинди. Сариқ гуллардан гулчамбар таққан далани оралаган киши борки, Абдусатторни олқишлашдан ўзини тийёлмади. Бугунга келиб салкам оштовоқдек кўриниш касб этган кунгабоқар бошлари мўл-кўл ҳосилдан дарак бермоқда.

– Абдусаттор Оқйўловнинг меҳнатлари боис, маҳалладошларимиз мавжуд майдондан энг камида ўн тоннадан зиёд кунгабоқар ҳосили йиғиштириб олиши хом чўт қилинмоқда. Бу юртимизда аҳолининг турмуш фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқини самарасидир, – дейди уста деҳқон Турсунбой ҳожи Шайххўжаев.

Равшанбек МИРЗОАЛИМОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

➤ **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**

ЭКИНЛАР ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИ – САМАРАЛИ ДЕҲҚОНЧИЛИК ОМИЛИ

“Ҳамма тухумни бир саватда сақлама”, деган қадимий халқ мақоли бор. Замонавий бизнес, ишлаб чиқаришгина эмас, аграр соҳа ҳам мана шу тамойил асосида яшамоқда – бир тур маҳсулотгагина боғланиб қолишдан четланиб, экинлар турларини кўпайтириш пайида бўлмоқда.

Бугунги фермер яхши билади: бир эмас, бир неча экин турларини етиштириш даромад-ни оширибгина қолмай, турли хатарлардан ҳам ҳимоя қилади – бир йўналишда куттилган натижага эришилмаса (табиий офатлар, экиннинг касалликлари ва бошқалар сабабли), бошқа йўналишдаги даромад зарарларни қоплаб кетади.

Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги “Маъмуркулов Шокул” фермер хўжалиги фаолиятида ҳам мана шундай, замонавий ёндашувнинг гувоҳи бўлди. Хўжалик пахта, ғалла ва пиллачиликка ихтисослашган. Бундан ташқари, яхшигина боққа ҳам эга. Бу билан кифояланмай, дала четларида турли сабзавотлар экилганки, улар

ишчиларнинг қозонини тўлдариб, ортгани бозор растасига ҳам чиқарилмоқда.

– Фермер хўжалигimiz асосан пахта, ғалла ва пиллачиликка ихтисослашган, – дейди ушбу фермер хўжалиги раҳбари Шокул Маъмуркулов. – Ҳозирда 130 гектар ер мавжуд бўлиб, экин майдонимиз 120 гектарни ташкил қилади. Шундан 70 гектарига пахта, 69 гектарига ғалла эканмиз. 29-30-май кунлари товар дон бўйича режани 110 фоиз қилиб бажарганмиз. Ҳозирда Россиядан келтирилган “Тром” уруғлик навли ғаллани ўришни бошладик. Бу нав гектарига 100 центнергача ҳосил бермоқда, ўртача ҳисоблаганда 70-80 центнердан тушаяпти.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК МАЪМУРИЙ БИНОЛАРИГА 1105 кВт ҚУВВАТЛИ ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Ўзсаноатқурилишбанк ҳудудий тармоқлари биноларини қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Бугунги кунда 28 та банк тармоғи биносига умумий қуввати 1105 кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди.

Жорий йилда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш ишлари фаол амалга оширилмоқда. Бунда Президентимизнинг “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Ўзсаноатқурилишбанк томонидан бу борадаги ишлар трансформация жараёнлари билан бирга босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

– Бино-иншоотларга қуёш панеллари ўрнатишнинг афзал-

лиги жуда кўп, шунинг учун банк тизимини ислох қилишда ушбу йўналиш ҳам раҳбарият диққат марказида бўлди, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Маъмурий хўжалик департаменти директори Фарҳод Тўраев. – Қуёш панели қурилмасидан фойдаланилганда электр энергияси текинга олинади. Қурилма орқали электр энергия ишлаб чиқарилганда атоф-мухитга ҳеч қандай зарарли газлар чиқмайди. Асосийси, қуёш панели қурилмаси ўрнатилган пайтдан бошлаб даромад олиб келади. Бундай қурилма биноларнинг том қисмида ўрнатилгани учун ишлаш жараёнида ҳеч қандай шовқин бўлмайди. Замонавий восита би-

ноларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Банк биноларига қуёш панелларини ўрнатиш муассаса стратегиясидан ўрин олган бўлиб, ишлар халқаро консультантлар, эколог ва техник мутахассисларни жалб қилган ҳолда ташкил этилди. Жорий йилнинг бошида банк Бош офиси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё ҳудудий бошқармаларида умумий қуввати 200 кВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилган эди. Шу кунга келиб, ушбу ҳудудлар билан бирга қисмида ўрнатилгани учун ишлаш жараёнида ҳеч қандай шовқин бўлмайди. Замонавий восита би-



ятлардаги тармоқлар биноларини ҳам қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари билан таъминлаш ишлари якунига етказилди.

Қайд этиш жоиз, банкнинг барча биноларига ўрнатиладиган қуёш панелларининг умумий қуввати 1455 кВт ни ташкил этади. Улар ёрдамида йилгига 2,3 млн. кВт соат муқобил электр энергияси ишлаб чиқарилиб, натижада

атроф-мухитга 1035 тонна заҳарли иссиқхона газлари ажралишининг олди олинади, 1 020,0 млн. сўм иқтисод қилинади.

Шунингдек, эҳтиёждан ортиқча энергия ҳудудий электр тармоқларига узатилади. Бунинг учун жараён тўлиқ автоматлаштирилган, онлайн кузатув мониторинг тизими йўлга қўйилган.

Банк ахборот хизмати

СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Тўрткўллик миришкорлар мўл ва сифатли хирмон кўтариш, оби-ҳаётни тежашда пешқадамлардан. Бугунги кунда тумандаги пахта ва ғалла майдонларида ҳам сув тежаш амалиётидан кенг фойдаланилмоқда.

Жорий йил Тўрткўл туманида 1 минг 900 гектар пахта майдонларини томчилатиб суғориш режалаштирилган. Ҳозирги пайтда 500 гектар ерда томчилатиб суғориш тўлиқ жорий қилинган. Қолган 1 минг 400 гектар ер учун ҳовуз тайёрлаш, магистрал қувурларни ётқизиш ишлари якунланмоқда.

— Сувдан оқилона фойдаланишда замонавий технологияларни жорий қилиш давр талаби саналади, — дейди тўрткўллик фермер Мақсуд Исмоилов. — Пахта етиштиришда томчилатиб суғоришни йўлга қўйганимизга учинчи йил бўляпти. Натижаси яхши бўляпти. Авваллари 40-42 центнердан ҳосил олган бўлсак, энди бу кўрсаткич 60-70 центнерга етмоқда. Бу усулдан фойдаланганда нафақат сув, балки ёқилғидан ҳам иқтисод қилинмоқда. Тежалган сув тақрорий экинларимиз учун жуда муҳим. Халқимизда қовун қовундан ранг олади деган ғап бор. Бугун бу амалиёт бошқа фермерларга



ҳам маъқул бўлмоқда.

Сувни тежаб ишлатиш зарурлиги ҳақидаги фикрларни давом эттирар эканмиз Президентнинг юқорида келтирилган қарорига яна тўхталамиз.

Қарорда сув етказиб берувчи ташкилотлар ва сув истеъмолчилари ўртасида расмийлаштирилган далолатномаларни ҳар ой якуни билан электрон шаклда тўлдириш ҳамда электрон рақамли имзолар орқали тасдиқлаш имконини берувчи “Suv hisobi” ахборот тизими яратилиши белгилаб қўйилди.

Шунга кўра, 2025 йил 1 январдан республиканинг барча ҳудудларида “Suv hisobi” ахборот тизими жорий қилинади. Қишлоқ хўжалиги ерларини суғоришда ишлатилган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни ҳисоблашда шу тизим орқали тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботларини автоматик шакллантириб бериш амалиёти жорий этилади.

Бугун сувдан тежаб фойдаланиш ҳар жиҳатдан муҳим эканлиги бот-бот тақдорланмоқда. Назарий ва амалий ҳаракатлар уйғунлашмоқда. Бу эса, шубҳасиз, ўз самарасини беради.

Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.



(Боши 1-саҳифада)

Пахтага келсак, 70 гектар ерга “Юксалиш” навини экканмиз. Ҳозирда иккинчи озқани бериб, суғормоқдамиз. Маҳаллий гўнг билан ўғитлаб, ҳашаротга қарши суспензия берилмоқда.

Ҳа, ғалла ва пахта етиштириш фермер хўжалигининг асосий йўналиши. Аммо яғнаси эмас. Шоқул Маъмурқулов Фаргона водийсининг “ташриф қоғоз”ига айланган олмазор ва узумзорларни воҳада ҳам йўлга қўйишга астойдил бел боғлаган. Водийдан келтирилган “Атлас” навли олма кўчатлари, ток кўчатлари янги шароитга мослашиб, бўй чўзмоқда. Фермер хўжалигининг асосий ишчилари 30 киши бўлиб, қўшимча равишда 70 нафар мавсумий ишчи ёлланган. Ҳозирги кунда улар бир ёқадан бош чиқариб, чопиқ, яғна, чеканка ишларини бажараяпти. Бир томондан ушбу ишчиларнинг рўзғорига

ҳарна мадад деб, қолаверса, Президент қарори ижроси йўлида дала четларидан унумли фойдаланиш мақсадида, уч гектарга яқин қўшимча ерга ишлов бериб келинмоқда. Жумладан, дала четига қовоқ, қовун-тарвуз, помидор, булғор қалампирлари экилган.

Ернинг ҳадисини олган деҳқон, ишнинг кўзини билган тадбиркор ва ишчилари ғамини ейдиган раҳбар. Бугунги фермерларни мана шундай таърифлаш

мумкин. “Маъмурқулов Шоқул” фермер хўжалиги раҳбари ҳам шулар жумласидан. У ҳар йилги даромадларидан хўжаликни техник таъминлашга, ишчиларни моддий рағбатлантиришга, иш шароитини яхшилашга маблағлар ажратиб келади.

— Ўтган йил пахтадан 1 млрд. сўмдан зиёд даромад олганмиз, — дейди фермер. — Ушбу даромад ҳисобига хориждан “Холланд” тракторини харид қилдик. Ҳозирда у оғиримизни енгил қилмоқда. Бу йилги даромад ҳисобига хориждан замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини келтиришни, ишчиларни рағбатлантиришни режалаштирганмиз. Ишчиларга уй солиб бериш, дала шийпони қуриш ниятидамиз. 2021 йилдан буён 15 гектар еримизда томчилаб суғориш технологиясидан фойдаланиб, пахтадан 40 центнердан ҳосил олиб келяпмиз. Бу йилги даромаддан барча ерларимизда томчилаб суғоришни жорий қилиш ниятидаман.

Деҳқончиликдек азалий касбга замонавий ёндашувларни жорий қилиб, меҳнат унумдорлигини қаррасига ошира олган фермерга асло ҳорманг, деб қоламиз.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати.

ТОМОРҚАСИНИ ХАЗИНАГА АЙЛАНТИРАЁТГАНЛАР

(Боши 1-саҳифада)

— Бугун одамларнинг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгариб, деҳқончиликка қизиқиши ортган, — дейди Г.Аслонова. — Тўғри, бугунги кунда бозорларимиз турли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўла. Нархлари ҳам ҳамёнбop. Бозорларимиздан нимани изласангиз топасиз. Лекин ҳар куни ўз томорқангизда етиштирилган маҳсулотларни истеъмол қилишинг ўз гашти бор. Биринчидан, сарф-харажат қилмайсиз. Иккинчидан, меҳнатингизнинг самарасини кўриш завқ бағишлайди. Учунчидан, кунлик керагича олиб ишлатасиз.

Бугунги кунда опа томорқасида қулпнай, помидор, бодринг етиштириб, бозорга чиқараётганлиги ортдан оиласи учун қўшимча даромад келтириши баробарида бозорларда нарх-навоининг барқарорлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Деҳқончилик ҳадисини олган

томорқа ер эгаларидан яна бири тумандаги “Галабек” маҳалласида яшовчи Шакарой Пардаевадир.

Опа ўзининг 15 сотихли томорқасида картошка, саримсоқпиез, қулпнай ва бошқа сабзавотлар экиб, самарали фойдаланиб келмоқда. Бундан ташқари, мевали дарахтларнинг бир неча хил навларини парваришлаб, меваларини бозорга чиқармоқда.

— Даромадимиз меҳнатимизга яраша. Нолимаймиз. Фарзандларимиз билан эл дастурхони тўкинлигини таъминлаш мақсадида меҳнат қиламиз. Меҳнат қилган элда азиз, дейишади. Меҳнатимиз орқасидан рўзгоримиз бут, дастурхонимиз тўкин. “Қора қозон”имиз қайнаб турибди, — деди Ш.Пардаева.

Албатта, юртимизда аҳолининг томорқадан самарали фойдаланиши, халқимизнинг аънаваний турмуш тарзига айланиб кетган томорқачиликни қўллаб-қувватлаш учун давла-



тимиз томонидан барча шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2023 йил 31 январда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорига асосан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа

хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бош мутахассиси М.Турдиев. — Туманда эрта баҳорда 1 минг 997 гектар аҳоли томорқаларига турли қишлоқ хўжалиги экинлари экилган бўлса, 2 минг 659 гектар майдонга тақрорий экинлар экилиши режалаштирилган. Шунингдек, 2 минг 833,5 гектар ерга тўқсонбости экинлари, шундан 742,2 гектарга саримсоқпиез, 410,9 гектарга пиез, 627 гектарга сабзи, 67,7 гектарга ош лавлаги, 985,7 гектарга турли кўкатлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиш бўйича маҳаллалар кесимида манзилли дастурлар ишлаб чиқилган. Бугунги кунда туманда 37 та маҳаллада “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида хатлов ўтказилиб, унда фуқароларнинг ички имконияти ва талаб-истаклари инобатга олинган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилмоқда.

А.БҮРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

(Боши 1-саҳифада)

Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи Қодирхон Ғаппаров билан шулар хусусида суҳбатлашдик.

— Мазкур фармонга биноан, 2021 йил 1 августдан бошлаб ер участкалари хусусий секторга — мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига — доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилапти, — дейди Қ. Ғаппаров. — Бунда мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эғалик, доимий эғалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади. Илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолади. Ижарага олинган ер участкасида қонунчиликда белгиланган тартибда қурилган кўчмас мулк объектга мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган очик электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади. Барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилади, аяни бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзиде ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланади ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Кўп квартиралар уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартиралар уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун вилоят ва шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида

ЕРНИНГ ҲУЖЖАТИ — ЭГАЛИК КАФОЛАТИ

ажратилади.

— Бу борада қўрилайётган чоралар нимагадир намойён?

— Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик учун ер участкаларини шаффоф равишда мулк ва ижара ҳуқуқи асосида очик аукцион орқали реализация қилиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни эса деҳқон хўжалигини юритиш учун ижара ҳуқуқи асосида очик электрон танлов орқали бериш, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш орқали ерни бозор активига айлантириш каби ишлар жадал суруятларда давом эттирмоқдамиз. Ер участкаларидан самарали фойдаланиш тизимини йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг талон-торож қилиниши ва ўзбошимчилик билан эғаллаб олинishiга йўл қўймаслик асосий эътиборимиздаги масаладир. Бунинг учун ахборот технологияларини кенг жорий қилиш йўналишлари бўйича давлат назорати самарадорлигини ошириш

чора-тадбирларига катта аҳамият бердик. Яъни Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассислари, Мажбурий ижро бюросининг вилоятдаги ҳудудий бўлинмалари ҳамда тегишли маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда иш ташкил қилинмоқда. Мос равишда натижалардан кўнгил тўлади, лекин олдимизда турган вазифалар ҳам бор.

— Мурожаатларга масъулият билан ёндашиш, уларга ечим топиш бугуннинг зарурий шартларидан. Аризаларни кўриб чиқиш қоникарлими?

— Аризаларни ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамиша диққат марказимизда. Қолаверса, тақрорий мурожаатларга йўл қўймаслик учун сайёр қабуллар ташкил этилиб, туманларга маҳаллаларга чиқилмоқда, масалалар ҳайида ўрганилмоқда. Бошқармамизга 2022 йилда юридик ва жисмоний шахсларнинг жами 3540 та мурожаати



келиб тушган бўлиб, бу 2021 йилга нисбатан 204 тага кўпайган. Демак, аҳоли ва тадбиркорлар томонидан ер муносабатларида ер майдонларига ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришга бўлган талаб ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Барча мурожаатлар раҳбарлар ва мутахассислар томонидан жойида ўрганилиб, улардан 2014 таси ижобий ҳал қилинди ва 1526 та ҳолатда фуқароларга ҳуқуқий тушунчалар ва тегишли маслаҳатлар берилди. Туманларнинг чекка ва чегара ҳудудларида ўтказилган сайёр қабулларда 575 та мурожаатдан 322 таси жойида ҳал этилди. Қолганларига ҳуқуқий тушунчалар берилди. Жорий йилда ўтказилаётган сайёр қабулларда фуқароларнинг қўллаб муаммолари ўз ечимини топомқда.

Кадастр маълумотлар базасини юритиш мақсадида Кадастр агентлигининг “Кўчмас мулк-3” интеграциялашган ахборот тизими орқали 600 мингга яқин кўчмас мулкнинг

атрибутив маълумотлари ҳамда 612 мингдан ортиқ мулкдор тўғрисидаги маълумотлар мақлантирилди. Натижада юридик ва жисмоний шахсларга тез ва сифатли кадастр хизмати кўрсатиш имконияти яратилди. Бошқача айтганда, авваллари 20-25 иш кунида бажариладиган кадастр хизматлари эндиликда 2-7 кунда бажарилмоқда. 2022 йил давомида “хонадонбай” усулда иш ташкил қилиниб, ҳисобда бўлмаган 20 мингдан ортиқ, 2023 йилнинг 4 ойида эса 5 мингдан зиёд кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилди.

— Ер майдонларини ижарага беришда, очик электрон савдода шаффошлик қандай таъминланади?

— Жараёнларнинг ҳаммаси электрон усулда амалга оширилади. Бунда инсон омили минимумлашади. Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш юзасидан ўтган ва жорий йилнинг 4 ойи давоми-

да фермер хўжаликлари ва кластерлардан захирага олинган 17 минг 247 гектар ер вилоят ҳокимининг тегишли қарорларига ҳамда туман ҳокимликларининг буюртма хатларига асосан, туман ҳокимликлари номига Давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. Мазкур ер майдонлари 99 505 та лотларга бўлиниб, очик электрон савдога чиқарилди. Танловда ғолиб бўлган 91 минг 818 нафар фуқарога деҳқон хўжаликларини юритиш учун ижара шартномалари расмийлаштирилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди ва 180 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

— Кадастр паспортини расмийлаштиришга қанча вақт керак?

— Юридик ва жисмоний шахсларнинг турар ва нотурар жойларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун “Davreestr Pro2” дастури орқали электрон тарзда тез ва сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Натижада, авваллари 20-25 кунда бажарилган ишларга эндиликда 3-5 кун кифоя.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, вилоят кадастрчилари томонидан “Яшил макон” умумиймиллий лойиҳаси доирасида эълон қилинган “долзарб 40 кунлик”да жами 1171 туپ мевали, манзарали дарахт ва гул кўчати экилди. Бугунги кунда тизимимизда 510 нафардан ортиқ ходим фаолият олиб бормоқда. Қувонарлиси, жамоанинг асосий қисмини ёш мутахассислар ташкил қилмоқда. Ва яна бир қувончли янгилик яқинда Чортоқ туманида кадастр бўлими ва филиали учун янги бино фойдаланишга тошширилди. Фуқароларимизга ва тадбиркорларимизга тез ва сифатли кадастр хизмати кўрсатиш учун замонавий шароитлар яратилди.

Асосий мақсадимиз халқимиз манфаати йўлида хизмат қилиш ва уларни рози қилишга қаратилгандир.

— Мазмунли суҳбат учун ташаккур.

Муҳиддин МАҒЗУМОВ
суҳбатлашди.

Ўр ичи бутунлай зимистон бўлиб,
тун билан куннинг фарқи сезилмасди

Шоирнинг шеърларига басталанган
қўшиқлар сони 60 дан ошди



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Очерк

СЎХ ЙЎЛЛАРИНИНГ РАВОНЛИГИДА УНИНГ ҲИССАСИ КАТТА

Сўхлик Ҳабибжон тожик мактабида ўқиган бўлса ҳам ўзбек тилида чоп этилган китобларни кўп ўқигани учун дарсларда фаоллик кўрсатар, аъло баҳоларга ўқирди. У ҳарбий хизматдан сўнг Қўқон автомобиллар техникумида ўқишни давом эттирди. Ўқишни битиргач, уни йўлланма билан Риштон тумани автомобил йўлларини таъмирлаш ва қуриш бўлимига ишга юборишди. Кўп ўтмай Сўх йўл қурилиш участкасига ўтказишди. 1979-1980 йилларда Қўқон йўллардан фойдаланиш 2-участкасида ишлади. Яна Риштон йўл қурилиш участкасига ўтказилди.



даласида ишлар, ўн бир болани боқарди. Отамдан тиришқоқликни, тўғрисўзликни ва ҳалолликни ўрганганман. Худога шукрки, ҳали бировдан бу соҳада дақиқ эшитганим йўқ. Ота-онамнинг ўн бир боласи бор эди. Меники эса опитта, уларнинг 4 нафари йўл қурилиши соҳасида, турли вазифаларда ишлашади.

Ҳабибжон Мирзаевнинг меҳнат қила бошлаганига 55 йилга яқинлашаётган бўлса-да, чарчагани билинмайди. Ҳамон ғайрат билан ишлайди, жамоага раҳбарлик қилади. У ғайратни онасидан олганини айтади.

– Дўстликни қадрлашни синфдош дўстим Баҳодиржон Обиджоновдан ўрганганман, – дейди у. – Биласизми, у кийин кунларда ҳам, қувончли кунларда ҳам дўстининг ёнида бўлади. Қачон қараманг жиддий, ўзига талабчан, доимо бир хил ўради, кўп ўқигани сабабими, билмадим, дунёқараши кенг. Бизга ҳам фалон-фалон китобни ўқигин, жуда кўп нарсани билиш имкони бор экан, дейди. Кўпгина ўтиришларимизда, суҳбатла-

римизда фақат китоб ҳақида баҳс-лашамиз. Сўх тумани янги тузилганда у биринчи ҳоким бўлган эди. Туман ижтимоий ҳаётини йўлга солишда, қўшни киргизистонликлар билан дўстликни барқарорлаштиришда катта роль ўйнаган. Ҳозир пенсияда бўлса ҳам ёшларга панд-насихатлар қилади, уларни Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида катта куч-ғайрат сарфлашга даъват этади. У 1990 йилдан бошлаб Сўх туманини ободонлаштиришга жуда кўп ҳисса қўшган ва 11 йил ҳокимлик қилиб, туманимиз аҳлининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган. Мен дўстимдан бир умр миннатдорман. Техникумда ўқитган устозим Маҳмуджон ака Мухторовдан қатъиятчи, бошлаган ишни охирига етказишни ўрганган бўлсам, биринчи иш бошлаганимда касб-коримнинг моҳиятини тушунтирган Мусо-хон ака Жўраевдан меҳнатдан бўйин товламасликни, чидам билан ишлашни, қўл остидагилар билан яхши муносабатда бўлишни ўргандим. Ҳозиргача

мен нимага эришган бўлсам, қандай муваффақият қозongan бўлсам, шу кишининг ҳиссаси бор, деб биламан. Бу одам менга йўл-йўриқ кўрсатарди. Бирга ишлаётган яна бир яқин кишим бор, у киши кадрлар бўлимини бошқарадиган Мاستонжон Мастонов бўлади. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда у жуда хушёр, билимдон.

Сўх қишлоқларини оралаб юрганимизда йўл қурилиши, таъмирланиши борасида жуда катта ишлар қилинганини кўрган бир меҳмоннинг шу ерлик мезбонга қўйиб-пишиб гапирётганини эшитиб қолдик.

– Тожикистоннинг Исфара шаҳридан келганман, – деди у ўзини Исмаатжон деб таништи-раркан. – Биз гўзал Фарғонанинг Қўқон, Риштон шаҳарлари ва Сўх туманини кўргани келдик. Бу шаҳарларни кўриб, ҳавас қилдик. Айниқса, Сўх туманида ўзгаришлар катта бўлибди. Ил-гари бу даражада обод эмасди. Йўллари ҳам мана бундай текис, тўғри эмасди, кўз тегмасин. Қа-ёққа қараманг ободлик, чиройли кўчалар, йўллар, иморатларни кўрасиз.

Ҳа, мамлакатимиз раҳбарининг Сўх туманини ривожланти-риш борасидаги қарори амалга ошгани сари бу ернинг чиройи ҳам бошқача бўлиб бораёпти. Сўхликларни иш билан таъ-минлаш, йўллар, уйлар қуриш, Қайроқ даштини ўзлаштириш, у ерга сув чиқариб, боғлар ярати-шининг ўзи бўларканми? Бу ўз-гаришлар, одамлар учун яратиб берилаётган шароитлар, имко-ниятлар кишини мамнун этади.

Ҳабибжон Мирзаев яқинда 70 ёшга тўлди. Ҳамкасблари, маҳалладошлари, яқиндан бил-ган биродарлари, туман ҳокими аҳлининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган. Мен дўстимдан бир умр миннатдорман. Техникумда ўқитган устозим Маҳмуджон ака Мухторовдан қатъиятчи, бошлаган ишни охирига етказишни ўрганган бўлсам, биринчи иш бошлаганимда касб-коримнинг моҳиятини тушунтирган Мусо-хон ака Жўраевдан меҳнатдан бўйин товламасликни, чидам билан ишлашни, қўл остидагилар билан яхши муносабатда бўлишни ўргандим. Ҳозиргача

Ҳамид БУРҲОН,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими.

НУРЛИ ЙЎЛ

Инсон борки, илм-маърифатга интилиб яшайди. Чунки илм инсонларни маънавий-маданий даражасини оширади, уни дунёга танитиб, қўлларга кўтаради. Адабиёт ва шеърятни яхши кўрган замондошимиз, физика-математика фанлари номзоди, ҳикматли шеър ва ҳикоялар муаллифи, шоир Ҳамиджон Тоҳиржоновнинг ҳаёти ва ижоди бунга мисол бўла олади.



1949 йили Тошкентда, зиёли оилада дунёга келиб, 1966 йили ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатган олтин ме-дал соҳиби бўлган қаҳрамони-мизнинг илм-фанга қизиқиш-лари уни ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг физика факультетига ўқишга етаклади.

Тошкент давлат педагогика институтининг физика кафедрасида изланувчи-тадқиқотчи ходим сифатида меҳнат фао-лиятини бошлаган Ҳамиджон Тоҳиржонов илмий ишларини давом эттириш учун Москва давлат университети аспиран-турасига ўқишга юборилди. Аспирантурада муваффа-қиятли тугатиб, Тошкент элек-тротехника, алоқа институти физика кафедрасида “Фи-зика-математика фанлари номзоди” илмий даражасини ҳимоя қилгач, кафедра доцент-уна нисбатан ажойиб дил сузла-ри айтилди, қўшиқлар янгради. Шу ерда масалчи шоир, ёзувчи, филология фанлари доктори, профессор Мухтор Худойқулов ҳам суз олиб, дўстини таърикл-лади ва у ҳақда ёзган шеърини ўқиб берди.

Ҳамиджон Тоҳиржоновнинг маънавий-маданий даражасини оширади, уни дунёга танитиб, қўлларга кўтаради. Адабиёт ва шеърятни яхши кўрган замондошимиз, физика-математика фанлари номзоди, ҳикматли шеър ва ҳикоялар муаллифи, шоир Ҳамиджон Тоҳиржоновнинг ҳаёти ва ижоди бунга мисол бўла олади.

Нигора ЛУТФУЛЛАЕВА,
кутубхоначи-библиограф.



АНДИЖОНДА СУВ ҲЎЖАЛИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ-СЕМИНАРИ ЎТҚАЗИЛДИ


“Қорадарё-Майлисой” ирригация тизими бошқармасининг “Қўйқулоқ” гидроучасткасида Андижон вилоятида сув ҳўжалиги соҳасини рақамлаштириш масалаларига бағишланган ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Семинарда сув ҳўжалиги объектларини рақамлаштириш, “Ақли сув”, “Дайвер” қурулмаларини ўрнатиш ва уларни интеграция қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Норин-Қорадарё ИТХБ матбуот хизмати

ЕРОСТИ ОБИДАСИГА САЁҲАТ

Зоминнинг қадимий ерости обидаси – “Пешогор” ғори Моргузар тоғ тизмаларида жойлашган бўлиб, теварак-атрофи баланд қоялардан иборат. Ўр ибтидоий жамоа тузумидан бери мавжуд.



Ёзги таътил кунларининг бирида Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасига қарашли “Зомин” номли болаларни соғломлаштириш оромгоҳи дам олувчиларини “Пешогор”га саёҳат қилиш иштиёқи ҳамма нарсадан устун турарди. Биз баланд тоғ тизмалари бўйлаб юқорига кўтариларканмиз ғор теварак-атрофи ям-яшил арчазорларга бурканганлигидан баҳри-дилимиз очилиб, кўнгиллар яйраб кетди. Маҳаллий аҳоли Такали ва Қўмбел тоғлари туташган бу сўлим масканни мовий тоғлар деб бежиз айтишмас экан. Атрофи харсангтош, шох-шабба ва йирик бутазорлардан иборат баланд тепалик остидаги катта ҳажмли бўшқидда тубсиз ички йўллар неча-неча асрлар илгари вулқон, табиий офат ва оҳақтошларнинг емирилишидан вужудга келган экан. Ҳуруҳимиз раҳбари Ҳасан Аширматов етакчилигида тор ва кичик тўйнуқ орқали ғорга тушиш истаги бизни янада ғайрат-шижоатга ундарди. Кейин ички йўл бўйлаб борарканмиз, қаршимизда турфа ранглар ҳамжиҳатлида фанар чироғи ва машъала ёрдамида йўлда давом этарканмиз, ғор саҳни кенгайиб борарди. Уч-тўрт одим олдини кўриб

бўлмасди. Адашиб кетмаслик учун арқондан фойдаланишни ҳам унутмадик. Айрим йўлақлар худди қувурдек номаълум томонга қўзилиб кетганди. Баъзан ерости ёриқларидан сиқилиб ўтишимизга ҳам тўғри келди. Эгнимиздаги кийимлар ҳўл бўлиб, танамиз мадорсизланиб, бўгинларда бўшашиш сезила бошлаганда ўзимизни қўлга олдик. Келишувга мувофиқ бироз нафас ростлаб тамадди қилиб олгач, кичик, тор, баъзан тик ва ўнқир-чўнқир йўлларни машаққат ва заҳматлар чекиш эвазига босиб ўтдик. Айниқса, сирпанчиқ, учқир ва қиррали харсангтошлардан ўтарканмиз, суриниб

кетишимиз ҳеч гапмасди. Бундан бошқа йўл йўқ. Ҳар бир қадам ҳисобга оlinиб, хушёрлик талаб этилади. Акс ҳолда адашиб қолиб, қўнгилсиз, нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Энсиз ва эгри-бугри йўлақлардан ўтаётиб “ғир-ғир” эсиб турувчи елвизакдан юрагим ҳапқираб кетди. Эртақлардаги сирли мўъжизанинг худди ўзинаси. Шу онда ёнимдагиларнинг кўнглидан нималар кечди экан?

Ўр деворларидан сизиб тушаётган сув томчиларидан бир неча жилғалар ҳосил бўлган. Ерости йўлида агар оқим мавжуд бўлмаганида мавҳум ва ўлик ғор деб атаган бўлардик.

Ш.МИРЗИЁЕВ.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.30

[illegible]